

КОРХОНА ВА ОБЪЕКТЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг маълумотига кўра, 2018 йилнинг январь-июнь ойларида 429 та (дастур доирасидаги ва дастурдан ташқари объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда - объектлар) хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари (2018 йил январь-июнь ҳолатига)

	Хусусийлаштирилган корхона ва объектлар сони		Давлат активларини сотишдан олинган тушумлар	
	бирлик	жамига нисбатан фоизда	млн.сўм	жамига нисбатан фоизда
Ўзбекистон Республикаси	429	100,0	132143,1	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	28	6,5	3193,3	2,4
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	39	9,1	2121,5	1,6
Бухоро	16	3,7	3226,4	2,5
Жиззах	17	4,0	2741,3	2,1
Қашқадарё	37	8,6	2040,3	1,5
Навоий	9	2,1	738,7	0,6
Наманган	26	6,1	8232,1	6,2
Самарқанд	42	9,8	4616,0	3,5
Сурхондарё	34	7,9	2226,9	1,7
Сирдарё	15	3,5	1484,0	1,1
Тошкент	116	27,0	7233,1	5,5
Фарғона	14	3,3	4759,1	3,6
Хоразм	30	7,0	2013,0	1,5
Тошкент ш.	6	1,4	87517,4	66,2

Ҳисобот даврида энг кўп хусусийлаштирилган объектлар сони Тошкент вилоятида 116 та (жами республика бўйича хусусийлаштирилган объектлар умумий

сонининг 27,0 %), Самарқанд вилоятида – 42 та (9,8 %), Андижон вилоятида – 39 та (9,1 %), Қашқадарё вилоятида – 37 та (8,6 %), Сурхондарё вилоятида – 34 та (7,9 %), Хоразм вилоятида – 30 та (7,0 %), Қорақалпоғистон Республикасида – 28 та (6,5 %) ва Наманган вилоятида – 26 та (6,1 %)ни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-июнида вазирлик ва идоралар кесимида хусусийлаштирилган давлат объектларининг таркиби
(жамига нисбатан % да)




Хусусийлаштирилган давлат мулки объектлари таркибида энг кўп улуш маҳаллий ҳокимиятларга 332 та объект (республика бўйича жами хусусийлаштирилган объектларнинг 77,4 %), Соғлиқни сақлаш вазирлиги – 42 та объект (9,8 %), Халқ таълими вазирлиги – 18 та объект (4,2 %), “Навоий кон металлургия комбинати” ДК – 10 та объект (2,3 %) ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига – 5 та объект (1,2 %) тўғри келади.

2018 йилнинг январь-июнида давлат мулкани сотишдан тушган тушумлар 132,1 млрд. сўмни ташкил қилди.

2018 йилнинг январь-июнида республика ҳудудлари кесимида давлат мулкни сотишдан тушган тушумлар таркиби

(жамига нисбатан % да)



Худудлар кесимида давлат мулкани сотишдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушимларнинг 66,2%), Наманган (6,2%), Тошкент (5,5%), Самарқанд (3,5%), Фарғона (3,6%), Бухоро (2,5%) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Давлат нотузаржой фондидан самарали фойдаланиш мақсадида 2018 йилда объектларни ижарага бериш бўйича 24,3 мингдан ортиқ ижара шартномалари тузилди. Бунинг натижасида 5,7 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Давлат мулкани ижарага беришдан тушган тушумлари жами 63,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Худудлар кесимида давлат мулкани ижарага беришдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушумларнинг 51,4%), Андижон (5,2%), Тошкент (6,8%), ва Хоразм (5,0%) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.